



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 8 ноябрь, № 219 (5893)

Жума

СИФАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

тизимда амалга ошириладиган ислохотларнинг пировард мақсадидир

Тиббиёт тизимидаги ислохотлар мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг ривожланиши омили инсон, унинг соғлиги ва турмуш даражасига бераётган эътибори, шу йўлдаги саъй-ҳаракати билан ўлчаниши барчамизга аён. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишлар нечоғлиқ муҳим ва долзарб эканлиги Президентимизнинг

“Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади”, деган сўзларида ёрқин акс этган.



ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН



Ана шу эзгу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида, айниқса, аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини тубдан юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг илгор технология ҳамда янги услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ишонч билан айтиш мумкин, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш Давлат дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз тиббиёт тизимини модернизациялаш, сифат жиҳат-

дан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ва вилоятлар шовишлинч тиббий ёрдам ҳамда бошқа ўнлаб турли йўналишларга ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг мукамил тармоғини яратилиши тубдан юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг илгор технология ҳамда янги услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ишонч билан айтиш мумкин, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш Давлат дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз тиббиёт тизимини модернизациялаш, сифат жиҳат-

марказларининг замонавий тизими яратилганлиги соҳа ривожига алоҳида ёрқин саҳифа бўлди. Шу ўринда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида изчил ўтказилган ислохотларнинг миқдори ва кўлами, даражаси ҳамда моҳиятини тасаввур қилиш учун куйидаги рақамларга эътибор қаратайлик. 2013 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар туғилиши 63 фоиздан ошди. Дунёнинг ривожланган давлатларида мазкур кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, республикамизда бу борада юксак ўсиш суръатларига эришилаётганлигига амин бўлаемиз. Яна бир муҳим натижа болаларнинг ирсий хасталиклар ва нуқсонли туғилиши хавфи 2000 йилдагига нисбатан жорий йилда

14 фоиз камайганлигида намоён бўлади. Ёки 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вази ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўлиқ мос келаётганлиги янада қувончлидир. Биласиз, мамлакатимизда болаларни ўз вақтида эмлашнинг мукамил тақвими ишлаб чиқилган. Шунга асосан, бугунги кунда юртимизда болаларнинг 98 фоиздан зиёди олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Бунинг натижасида полиомелит, чақалоқлар қочқоли, дифтерия, қизамик каби касалликларга бутунлай барҳам берилди. Қатор юқумли хасталиклар билан оғриш ҳолатлари кескин камайди.

(Давоми 4-бетда.)

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ Олмалиқ шаҳридаги “Зартола текстиль” қўшма корхонаси ўз маҳсулотларини экспорт қила бошлади. Унинг ташқи бозордаги дастлабки ҳамкори Беларусь Республикасининг “Ковры Бреста” акциядорлик жамияти бўлди.

Илк экспорт амалиёти

Таъкидлаш лозимки, бундан тўрт йил аввал иш бошлаган қўшма корхона полипропилендан калава ип тайёрлашга ихтисослаштирилган эди. Саноатнинг кўпгина тармоқларида кенг фойдаланиладиган бундай синтетик толалар ашёларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. — Шунинг билан бирга, четдан ишончли ҳамкорлар топишга ҳаракат қилдик, — дейди корхона ижрочи директори Жўрабек Шарипов. — Бунда шу йил давлатимиз раҳбари қарори билан ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси яқиндан кўмаклашди. Натижада октябрь ойининг ўзига 47 минг 700 АҚШ долларилик маҳсулотни четга сотишга муваффақ бўлдик. Айни пайтда “Зартола текстиль” жамоаси жамғарма билан ҳамкорликда ўзининг экспорт жўроғиясини кенгайтиришга хизмат қилувчи истиқболли лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Денов туманидаги “Жамолиддин — Жаҳонир пласт” хусусий корхонасида 10 турдаги полиэтилен плёнкалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Иккиламчи хом ашёдан маҳсулот

Воҳода ташкил этилган иссиқхоналар учун маҳсулот етказиб бера бошлаган мазкур жамоа ишлаб чиқариш жараёнида иккиламчи хом ашёдан фойдаланмоқда. Натижада маҳсулотлар арзон ҳамда сифатлиги билан харидорларга манзур бўлапти. — Умуман олганда тежамкор технологияларни хориждан харид қилдик, — дейди корхона иш бошқарувчиси Фахриддин Дадабоев. — Улар тўла қувват билан ишлаш бошлагач, жамоамиз аъзолари сони 15 нафарга етади.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Қизилтепа туманидаги “Илҳомжон келажи” фермер хўжалиги жамоаси ўз фаолиятини кенгайтириб, нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди.

Хўжаликнинг янги тармоғи

Бизнес лойиҳаси амалга ошириш учун Чехиянинг “Rivent” фирмасидан 123 минг АҚШ долларилик илгор ускуналар келтирилди. Қўшимча жиҳозлар харид қилиш учун тижорат банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан фойдаланилди. Ҳозир бу ерда кунига 3 тоннагача ун қайта ишланиб, 60 турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. — Технологиямиз электр энергияси асосида ишлайди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Илҳомжон Абдуллаев. — Эътиборлиси, у аввалги ускуналарга нисбатан икки-уч баробар тежамкор. Шу боис маҳсулот таннархи арзон бўлишига эришяпмиз.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Самарқанд шаҳридаги банкротлик ҳолатига тушиб қолган чинни заводи “Алоқабанк” тасарруфига ўтгач, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни қайта тикланди.

«Асл нафис» чинниси

Пировардда “Асл нафис” деб ном берилган мазкур ишлаб чиқариш субъекти иқтисодий юксалиш сари юз тутди. Бунга корхонада амалга оширилган кенг кўламли техник ва технологик янгиланишлар тўғрисида эришилди. Ҳозир бу ерда Францияда ишлаб чиқарилган ускуналар ёрдамида йилга 600 минг донагача чинни буюмлар тайёрлаш имконияти мавжуд. “Асл нафис” тўла қувватга эришгач, ўшбу кўрсаткич 1 миллион донагача етказилиши режалаштирилган.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилиши ва контрафакт маҳсулотларнинг олиб кирилишига қарши чора-тадбирлар масаласига бағишланган анжуман ўтказилди.

Ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ва масъулият

Эътироф этилганидек, юртимизда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиборини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бекаму қўст тўлдириб борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган 9 ойида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоиз ўсди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 декабрдаги қарори мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш, реализация қилиш ва ўз вақтида қайта ишлашни ташкил этиш учун кенг имконият яратмоқда. Хусусан, ўшбу ҳужжат асосида таш-

(Давоми 2-бетда.)

Қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан иккинчи ўқишга тайёрланган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати, нодавлат нотижорат таъкилотлари вакиллари, экспертлар ва мутахассислар, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Б. Алионов таъкидлаб ўтганидек, парламент қуйи палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлари гуруҳи томонидан киритилган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-

тириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва фуқароларнинг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш соҳасидаги роли ва ўрни аниқ белгилашга йўналтирилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат

ва очик фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида мазкур йўналишда ҳуқуқимиз томонидан қабул қилинган қарорлар, дастурларни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва назоратидан фойдаланишга катта йўл очади. Маълумки, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мақсадида ўшбу қонун лойиҳаси “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида чоп этилди, www.parliament.gov.uz, www.eco.uz, www.xs.uz, www.narodnoeslovo.uz

сайтларида жойлаштирилди. Шулар баробарида қуйи палатанинг тегишли қўмитаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи билан ҳамкорликда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш, дара сўхбатлари туркумини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича режалар ишлаб чиқди. Шунингдек, қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда унинг муҳокамаси давомида келиб тушаётган тақлифларни тўллаш ва умумлаштириш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Буларнинг барчаси ҳуқуқий ҳужжатни демократик услублар ҳамда талаблар асосида такомиллаштириш, тақлиф ва тавсиялар олиш, тушунтириш тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда.)

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми қиёсий нархларда

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

12,5

фоиз
ошди.

Муҳим ишлаб чиқариш ва инфратузилма лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилишни тезлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган фаол сиёсатнинг амалга оширилиши туфайли ана шундай барқарор ўсиш суръати таъминланди.

(Давоми 2-бетда.)

ЖАҲОН

24 соат ичида

Жаҳон метеорология ташкилоти атмосферанинг 2012 йилдаги ҳолати бўйича ҳисоботини эълон қилди.

Зарарли моддалар миқдори юқори



Унда айтилишича, сўнгги йилларда ҳавода атроф-муҳитга, инсон саломатлигига салбий таъсир килувчи моддалар миқдори сезиларли даражада ошган. Жумладан, карбонат ангидрид ва газ хажми санат даври бошланган 1750 йилдан буён 41, ис газ 1990 йилдан кейинги ўтган вақт мобайнида 32, метан 160 ва азот оксиди 20 фоизга кўпайган.

Келгуси ҳафтада Польшанинг Варшава шаҳрида БМТнинг иқлим ўзгаришлари бағишлаб ўтказилган конференциясида худди шу мавзу кенг муҳокама қилинади. Анжуман якунида атмосферага зарарли моддалар чиқариш миқдорини камайтириш юзасидан янги ҳужжат қабул қилиниши кутилмоқда.


Тўфон хавфи

Филиппин соҳилларида "Хайян" деб номланган тўфон яқинлашмоқда.

Бу ҳақда "The Time" наشري хабар тарқатди. Соатида 240 километр тезлик билан ҳаракатланаётган табиий офат, ҳисоб-китобларга кўра, мамлакат худудига бугун ёки шунда куни эрталаб кириб боради. Умуман, Сафир-Симпсон (тўфоннинг зарар келтириш кўламини ўлчаш) шкаласи бўйича энг юқори — бешинчи даражага тенг, дея баҳоланаётган мазкур тўфон Филиппиннинг марказий қисмига жиддий зарар етказиши мумкинлиги айтилмоқда.

Ерга ўхшайдиган сайёралар

АҚШлик олимлар коинотнинг Сомон йўлида Ерга ўхшайдиган 8,8 миллиард сайёра борлигини аниқлашди.



Уларнинг ўлчами, массаси ва юзасидаги ҳарорат сайёрамиздагига ҳар томонлама яқин экан. Шу боис мутахассислар уларда ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин, деган тахминларни илгар суришяпти.

Бу натижага "Кеплер" телескопи ёрдамида аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш орқали эришилган. Ерга энг яқин ва ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин, дейилаётган сайёра Күёш тизимидан тахминан 15 ёруғлик йили (бир ёруғлик ой тахминан 790 миллиард километр масофага тенг) узоқликда жойлашган экан.

Талаб камайган

Буюк Британиянинг "BAE Systems" концерни Англия ҳамда Шотландиядаги кемасозлик корхоналарида иш ўринлари сонини 1800 тага қисқартиришини билдирди.

Хусусан, концерн Портсмут шаҳридаги бўлимини бутунлай ёпмоқчи. "Евроньюс" телеканали хабарига кўра, ушбу режа 2016 йилдан кейин амалга оширилади. Чунки "BAE Systems" ўша даврга қадар "Қиролчи Елизавета" деб номланган ик-

кита йирик ҳарбий кемани барпо этиб бериш масъулиятини ўз зиммасига олган. Иш ўринларининг қисқартирилиши, концерн вакилларининг изохлашича, сўнгги йилларда буюртмаларнинг камайиб кетгани билан боғлиқ.

Стадион номига қизиқиш

Мадриднинг "Реал" футбол клубига тегишли машҳур "Сантьяго Бернабеу" стадиони номи "Microsoft"га ўзгартирилиши мумкин.

— Бу ҳозирча аниқ эмас, биз айна пайтда ушбу масала юзасидан клуб раҳбарияти билан музокара ўтказмоқдамиз, — дейди "Microsoft" компаниясининг Испаниядаги бўлими раҳбари Мария Гарана. — Мазкур жамоа билан алоқаларимиз жуда яхши йўлга қўйилган. Масалан, яқинда "Реал"нинг хайрига жамғармаси билан шартнома тузишга муваффақ бўлди. Энди стадионга компаниямиз номини бериш бўйича таклифларимизни айтдик.

Маҳаллий матбуотда "Сантьяго Бернабеу" стадиони номини ўзгартириш юзасидан "Emirates Airlines" ҳам қизиқиш билдираётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлган.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ШАРҲ

Биз ҳар куни дунё миқёсида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, иқтисодиёт, ахборот технологиялари, маданият, спорт, қўйингки, турли соҳаларга оид энг муҳим янгиликларни газетамиз саҳифаларида тезкорлик билан ёритиб боришга ҳаракат қиламиз. Ушбу жараёнда жуда кўп дуч келаётганимиз мавзу, албатта, иқтисодиётга тегишли бўлиб, ана шу хабарларнинг аксарияти ҳали-ҳануз глобал инқирознинг салбий таъсири билан боғлиқ. Келинг, биргина сўнгги икки ойда — сентябрь ва октябрда хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатилган маълумотлардан айримларига яна бир қарра эътиборингизни қаратсак.

Эълон қилинаётган таҳлилларда ишлаб чиқаришнинг пасайгани, харажатларни камайтириш мақсадида иш ўринлари қисқартирилаётгани, қарздорлик ва бюджет тақчиллиги ўсаётгани, ишсизлик муммоси тобора кескинлашаётгани кузатилмоқда. Масалан, Канаданинг смартфонлар ишлаб чиқарувчи "BlackBerry" компанияси яқин вақт ичида ходимлари сонини 40 фоизга қисқартиришини билдирди. Ҳозирги кескин рақобат шароитига унчалик ҳам мослаша олмаётган бу ишлаб чиқарувчи маҳсулотлари савдоси кўнгилдагидек юришмаётгани, боз устига харажатлари тобора ортиб бораётгани боис шундан маъқулроқ чора топилмаган кўринади. Германиянинг "Siemens" концерни режалаштирган тадбир ҳам худди шундай. Яъни у келгуси йил сўнгига қадар штат жадвалида қайд этилганлар сафини 15 мингтага камайтириб, бу орқали 6 миллиард евро миқдоридagi маблағни қисқартиришга эришмоқчи. Франциянинг мобил телефонлари ҳамда телекоммуникация технологиялари ишлаб чиқарувчи "Alcatel-Lucent" компанияси эса 2015 йил якунига 10 минг нафар ходими билан "хайрлаш" ниятида. Бу компания учун бир миллиард евро миқдоридagi маблағни иқтисод қилиш имконини бераркан. Бундай мисолларни АҚШнинг молия тизимида фаолият олиб борувчи "Wells Fargo & Co" ташкилоти, "JPMorgan Chase" компанияси, Франциянинг "PSA Peugeot Citroen" автоконцерни ҳамда "Air France KLM Group" авиакомпанияси, Швециянинг "Volvo" ва "Electrolux" концернлари фаолиятдан ҳам келтириш мумкин.

Умуман, халқаро миқёсдаги мавжуд аҳволдан шу нарса аён бўлиб бормоқдаки, инқироздан чиқиб жараёни ҳали яна узоқ давом этиши кутулаётгани ва унинг қачон тугаши ҳақида олдиндан бир нарса дейиш кўп жиҳатдан қийин бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг глобал молиявий-иқтисодий тангликнинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш борасида эришаётган натижалари халқаро экспертлар томонидан қайта ва қайта эътироф эти-



Энди ўйлаб кўринг, иш жойидан айрилганларнинг кейинги тақдирини маълум қилиш қанчалик қийин бўлади? Ҳозирча бундай саволга тайинли жавоб йўқ. Шу

боис ҳам одамлар ўртасида норозилик келиб чиқаяпти, ижтимоий кескинлик ортмоқда. Бандликка оид ҳулосаларда эса рақамлар яна салбий томонга қараб ўсмоқда. Айтайлик, евроҳудудда иқтисодий кўрсаткичларнинг яхши томонга ўзгараётганини аниқлашчи баъзи бир аломатлар кўзга ташланаётган бўлса-да, у ҳали меҳнат бозорига ижобий таъсир қилганича йўқ. Гап шундаки, сентябрь ойида ягона валюта бирлигига кирувчи давлатларда ишсизлик даражаси яна 0,2 фоиз ошди. Умумий ҳисобда айна пайтда худудда 19 миллион 447 минг киши ишсиз. Айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи энг жиддий муаммо бўлиб турибди. Чунки бугунги кунда 25 ёшгача бўлган европалик йигит-қизларнинг 24 фоизи беқорчиликда кун кечираяпти. Испания ҳамда Грецияда бу кўрсаткич 60, Италияда эса 40 фоизга тенг.

Халқаро меҳнат ташкилотининг прогнозларига эътибор беринг: 2015 йилга бориб, дунё бўйича ҳозирги пайтда ишсиз юрганлар қаторига яна қарийб саккиз

лаятички, бу, албатта, бизга чексиз гуруҳ бағишлайди. Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган "ўзбек модели" асосида олиб борилаётган ишсизликнинг иқти-

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз

Унинг салбий оқибатларини бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга экани ўз исботини топмоқда.

миллион киши қўшилиши мумкин. Айрим мамлакатларда бюджет тақчиллигини қисқартириш учун солиқ юкни ошириш, харажатларни камайтиришда эса давлат хизматиде фаолият юритаётганларнинг сонини озайтириш ёки ойлик маошини пасайтириш маъқул чора бўлиб қолмоқда. Мисол учун, 2014 йилда Францияда солиқ юкни 3 миллиард еврога ошириш режалаштирилган. Португалияда 2011 йилдан буён босқичма-босқич олиб борилаётган қаттиққўл иқтисодий ислохотларни келгуси йилда ҳам давом эттириш кўзда тутилмапти. Шунга кўра, 2014 йилда давлат харажатларини 3 миллиард евродан зиёдрокка қисқартириш, бюджет тақчиллигини ҳозирги 5,9 фоиздан 4 фоизга тушириш, давлат хизматида ишлаётганлар меҳнат ҳақини 2,5 фоиздан 12 фоизгача камайтириш мўлжалланаяпти.

Умуман, халқаро миқёсдаги мавжуд аҳволдан шу нарса аён бўлиб бормоқдаки, инқироздан чиқиб жараёни ҳали яна узоқ давом этиши кутулаётгани ва унинг қачон тугаши ҳақида олдиндан бир нарса дейиш кўп жиҳатдан қийин бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг глобал молиявий-иқтисодий тангликнинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш борасида эришаётган натижалари халқаро экспертлар томонидан қайта ва қайта эътироф эти-

содиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўрни мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда. Охириги беш йилда республикамиз япчи ички маҳсулотининг ўртача ўсиш суръатлари 8 фоиздан юқори бўлаётганининг ўзбек кўп нарсани аниқлатади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. 90-йилларнинг бошларида айрим хорижий таҳлилчилар мустақил юртимиз келажагига нисбатан шубҳа билан қараганлари ҳам бор гап. Хусусан, корхоналар фаолияти тўхтади, мутахассислар етишмовчилиги кузатилади, деган тахминлар билдирилган эди. Лекин ана шундай қарашларнинг ҳаммаси пуч экани, бу бизни қуролмасликдан бошқа нарса эмаслиги, мамлакатимиз танлаб олган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ишончлилигини бугун ҳаётнинг ўзи аққол исботлаб бермоқда. Ҳозир энгил ёки юк ташувиш автомобиллари дейсизми, улар учун двигател, бутловчи қисмларни айтасизми, самолёт ёхуд поезд вагонлари, тракторлар, трактор тиркамалари бўладими, ҳаммаси ўзимиздан чиқаяпти. Далаларимизда етиштирилган пахта ни аввалгидек фақат хом ашё сифатида эмас, энди тайёр маҳсулотга айлантириб ҳам сотаямиз. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналаримизда сифат кўрсаткичлари орта ятапти. Илғор ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, мобил телефонлари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан харидорлар қўлига етиб бормоқда. Музлаткич, совуткич, кондиционер, чангюлтич, мебель жиҳозлари ёки кунюлтич материаллари тайёрладиган корхоналаримизни айтмай-сизми? Ҳўш, ана шундай корхоналарда юксак технологияларни билмидонлик ва маҳорат билан ким бошқараяпти? Албатта, мустақиллик йилларида туғилган ўсган, бугун икки-учта хорижий тилда бемалол сўзлаша оладиган, қалбиди шу азиз Ватанга меҳр-муҳаббатни кучли ўғил-қизларимиз бошқармоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шаҳару қишлоқларимизда қад ростилаган кўркам савдо дўконлари, супермаркетлар пештахталарига бир назар ташланг: сотувга қўйилган назор турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечалар, пойабзаллар, умуман, қатор истеъмол буюмлари юр-

тимиз тадбиркорлик субъектлари-га тегишли. Бундан ҳаммамиз фахрланамиз.

Энди бевосита жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини энгиб ўтишда муҳим омил бўлаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги мамлакатимиз тажрибаси ҳақида. Юртимизда нима учун айнан шу соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда? Бу

яқин кўшни давлатларга сотишари эди. Бугун эса ишбилармонларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар қўлтиришдан ташқари, АҚШ, Европа ва Африка давлатларига ҳам етиб бормоқда. Мана шунга ислохотларнинг меваси. Яқинда давлатимиз раҳбарининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда соҳа вакилларига зарур ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, тадбиркорларни ташқи бозор хатарларидан ишончли ҳимоя қилиш сингари кўплаб вазифалар белгилаб қўйилган. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари янада кенгайди.

— Президентимиз ҳар бир чиқаришда биз, тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишимиз учун қандай шароит зарур бўлса, барчасини яратиб бериш лозимлигини таъкидлайдилар. — дейди Наманган туманидаги "Водий ёғоч сав-



Президентимиз таъкидлаганидек, тузилишига кўра икчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштирадиган кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади. Кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилганлиги талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатурасини мунтазам янгиллаб бериш ва рақобатдошлигини таъминлаш имконини беради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдиди ва салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилияти анча юқорида.

Мана шундай оқилона ёндашув ва изчил ислохотлар самаралари жорий йилнинг тўқиз ойида республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларидан ҳам аққол ташдигини топди. Кичик бизнеснинг бандликдаги улуши 75,6 фоизни ташкил қилди, экспортдаги ҳисса-сисми 2012 йилнинг шу давридаги 13,5 фоиздан 19,1 фоизга ўсди.

— Албатта, бунга эришишда тадбиркорларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, шу асосда уларга қўрсатилаётган моддий ва маънавий рағбатнинг аҳамияти катта, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Дилшод Расулов. — Ўтган йили давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари шулар жумласидандир.

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида юртимиз тадбиркорлари, асосан, хом ашё ва ҳунармандчилик маҳсулотларини

до" хусусий корхонаси раҳбари Исламбек Кутбидинов. — Ана шу ғамхўрликни ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Корхонамизда 35 киши ишлайди. Улар меҳнати билан ўн бешдан ортқ турда трикотаж маҳсулотлари тайёрлашмоқда. Маҳсулотларимизнинг юз фоизи экспортга йўналтирилади. Ўтган йили хорижга 341,1 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот сотган бўлсак, жорий йил якуни бўйича бу кўрсаткич 500 минг доллардан ошishi кутилмоқда.

— Бизнинг корхонамизда 40 турдаги миллий каштачилик маҳсулотлари тайёрланади, — дейди Нурота туманидаги "Муаззам Сербон келажаги" корхонаси раҳбари Маҳфизат Тўрақуллова. — Хусусан, сўзанинг босма, кандаҳиёл, ҳомдўзи, ироки, бодом, қалампир ва анорнўхса каби турларига хорижликлар ҳавасманд. Яқинда пойтахтимизда ташкил этилган халқаро туризм ярмаркасида Англия, Франция вакиллари билан маҳсулот савдоси бўйича шартнома имзолашга муваффақ бўлди. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидир.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Энг муҳими, эришилаётган муваффақиятларнинг барчаси халқимиз манфаатларига, унинг фаровон келажагига хизмат қилаётгани айна мудождир.

Шавкат ОРТИҚОВ.


«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Шайхонтохур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ЖИБ Олмасор тумани судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м., фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 129 047 025 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 22 ноябрь куни соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

САНОАТ КОРХОНАСИ 4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини Доимий ишга таклиф қилади. Иш ҳақи — 2 млн. сўм. Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади. Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади. 2013 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига Термиз шаҳар суд ижрочилиги бўлими томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 19 ноябрдаги 19-1206/13381-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙХББ жарама майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СНГ МАТИЗ» русумли, давлат рақами 75 446 ДАА, техник соз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 16 164 612 сўм. Мазкур автотранспорт воситаси билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ОХББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидан МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нўхсаси, жисмоний шахслар паспорт нўхсаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Иштироий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18. Гувоҳнома № 004059.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон ҳақ артисти Коммуна ИСМОЙЛОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларида чўқур таззия изҳор этади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР



Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, чунинчи, шоилич тиббий ёрдам марказлари ва республика ихтисослаштирилган марказларини ташкил этишга оид ишлар тарихий аҳамиятга эга. Аслини олганда, Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар миллилатни соғломлаштириш тизимининг асосини ташкил қилади.

Истиқлолга эришганимизга қадар юртимизда, бор-йўғи, 2 та фармацевтика саноати корхонаси мажмууд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони

138

тага етди. Айни пайтда ана шу корхоналар томонидан 1500 турдаги дори воситалари, тиббий буюм ва техникалар ишлаб чиқарилаётганда. 17 та фармацевтика саноати корхонаси эса ўз маҳсуотларини экспорт қилмоқда.

Эртанги кун ворисларининг баркамоллиги, халқимиз соғлигини янада мустақамлаш тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг асл мақсади. Бундай устувор вази­фаларнинг бажарилиши мамлакатимиздаги 72 минг нафардан зиёд шифокор, 310 минг нафардан ортиқ ўрта махсус тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

“Ўзбекистонда ҳатто глобал инкирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди”, дейилади Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченнинг пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилиш маросимидаги нутқида.

Очиги, бу эътирофдан қайси одамнинг дили яйрамайди, дей-

моддий-техник базасини мустақамлаш учун давлат бюджети ҳисобидан шу йилнинг ўзида 311 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари якунланди. Демак, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган яна кўплаб даволаш муассасалари халқимиз хизматида бўлади.

Дарҳақиқат, шундай. Гувоҳи бўлганимиздек, юртимизда инсон соғлиғи йўлида кенг кўламадаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган яна бир жиҳат, бу — дунёда энг ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётларининг ўзбек шифокорлари томонидан муваффақиятли ўтказилаётганидир.

Уч йилдирки, Ҳамза туманида



СИФАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир

сиз. Ахир фарзанд соғлиғи, унинг ҳар томонлама баркамоллигидан ҳам олийроқ бахт борми? Юртимизда соғлом болалар туғилаётгани эртанги янада ёруғ бўлишидан далолат эмасми? Фарзандларимизнинг ана шундай бенуқсон ўсиб-ўлғайишлари, қолаверса, юртимизда ўртача умр кўриш даражасининг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги халқимизнинг ҳаёт кечирishi сифати яхшиланиб, турмуши фаровонлашиб бораётганидан далолатдир.

Табиийки, бу мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилган улкан ишларнинг бир қисми, ҳолос. Бунга кўшимча қилиб, соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида ажратилаётган давлат бюджет маблағларининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини эслаш ўринлидир. Агар ўтган йил соҳа ривожини учун давлат бюджетидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди.

Обод турмушнинг муҳим шартларидан бири — инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустақамлашдир, — дейди республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Фаррух Шарипов. — Ўз поёнига етаётган йилда тиббиёт муассасаларининг

яшовчи Иброҳим Одилов юрак хасталигидан азият чекарди. Аҳоли оғирлашавергач, яқинлари беморни хорижда даволаштиришга қарор қилишди. Аммо Иброҳим ака бунга кўнмади. Кўксидаги бир парча жон нотекис ишлаётган, меъеридан тез уриб, уни азоблаётган бўлса-да, аллақандай умидбахш куч сабаб оғриққа дош берди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

— Бу умид мени даволаётган республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази шифокорларининг ширин сўзи, соғайишимга мустақамлашдир, — дейди республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Фаррух Шарипов. — Ўз поёнига етаётган йилда тиббиёт муассасаларининг

ри очмасдан туриб, мени юрак аритмиясидан халос қилишди. Кўриб турганимиздек, хорижга бориб даволанишга оёғим торлмагани бежиз эмас экан. Барака топшисин, кўллари дард кўрмасин, дейман. Ахир бегона юртда миллионлаб маблағ эвазига қилинадиган шундай нозик, ноёб ва мураккаб давони ўзимизнинг мутахассислар бепул амалга оширишди. Мана, операциядан чиққанимга ҳам бир ойга яқинлашапти. Ўзимни анча тетик ҳис этаялман.

Иброҳим ака сингари кўплаб хаста диллар дардида даво топишганлиги худди мўъжизадек, кишини лол қолдиради. Ҳали ҳаётнинг ширин орзуларидан умид узманган, мудом яшашига талпинган бе­мажол вужудни меҳри, ўзига бўлган ишончи ва билими ёрдамида асраб қолган шифокорларимиз эришаётган бу муваффақият, чиндан-да, таҳсинга лойиқ. Бинобарин, бу Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиётининг жаҳон андозалари даражасида юксак шарт-шароит ва имкониятлар билан таъминланганлиги натижасидир.

— Бундан салкам қирқ уч йил муқаддам оддийгина шифохонада фаолият бошлаган эдим. У пайтлар шифокорнинг бундай замонавий шарт-шароитлар асосида, имтиёзу эътибордан баҳраманд ҳолда ҳош, илҳомланиб ишлаши қаяқда эди, — дейди “Эл­юрт хурмати” ордени соҳиби, Соғ­лиқни сақлаш вазирлиги бош невропатолог Бахтиёр Ғофуров. — Бугун шуни чексиз фахр ва ифти­хор билан айтишим мумкинки, мустақиллик йилларида мамла­катимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилганлиги соҳада ҳавас қилса

арзигулик муваффақиятларга эришишимизни таъминлади. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги ва эътибори туфайли шифокорлик юксак эҳтиромга сазовор касбга айланди. Бундан зиёд кадр ва эъзоз ҳеч бир замонда бўлмаган.

Ҳақиқатан ҳам, биз истиқлол шарофати билан давлатимиз раҳбарининг халқимиз соғлиғини янада мустақамлашга бўлган чексиз эътибори, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли ана шундай им­кониятга эга бўлди. Бинобарин, 2006 йил 12 сентябрь куни Президентимиз томонидан им­золанган “Ўзбекистон Республика­си Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойи­нинг иккинчи яқшанбаси тиббиёт ходимлари кунини сифатида ни­шонланиши дунёдаги энг улуг ва шарафли касб эгаси бўлган фи­дой шифокорларнинг машаққат­ли меҳнати қадру эъзозга муно­сиб эканлигининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

Хулоса ўрнида айтганда, яратилаётган бундай имкониятлар, юртимизда инсон саломатли­гини асрашга бўлган эътибор ва чексиз ғамхўрлик оқ халатли халоскорларни ҳамisha фидойил­ликка ундайверади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ўзинг оижаноб касбига содиқ шифокор ҳар кунинг энг яхши инсоний фазилатларни намоён этиб, барчамизга олий инсонпарварлик мақсадларига ҳолис хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатади”.

Фурқат САНАЕВ.

Спорт

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида мини­футбол бўйича 2014 йили Вьетнамда ўтказила­диган Осиё чемпионати саралаш турнири якунланди.

Футболчиларимиз Осиё чемпионати­га боради

Унда Ўзбекистон, Турк­манистон, Қирғизистон ва Тожикистон терма жамоа­лари ўзаро баҳс олиб борди. Эътиборли жиҳат­ли, вакилларимиз рақиб­ларига нисбатан ҳар то­монлама кучли эканлик­ларини амалда исботлаб, мухлис мутахассислар эътирофини қозонишди. Буни мuddатидан аввал, яъни учта турдан иборат мусобақанинг иккинчи ту­ридан кейинроқ футболчи­ларимиз қитъа чемпио­нати финал босқичи йўл­ласини кўлга қиритгани­дан ҳам билиш мумкин.

Дастлаб Туркменистон терма жамоаси билан куч синашган ҳаётларимиз 10:1 ҳисобида эъло қалаба

қозондилар. Тожикистон терма жамоаси аъзолари эса биринчи турда Қирғизистон вакилларини 8:4 ҳисобида доғда қолдиришди.

Иккинчи тур ҳар томонлама кучли эканлик­ларини амалда исботлаб, мухлис мутахассислар эътирофини қозонишди. Буни мuddатидан аввал, яъни учта турдан иборат мусобақанинг иккинчи ту­ридан кейинроқ футболчи­ларимиз қитъа чемпио­нати финал босқичи йўл­ласини кўлга қиритгани­дан ҳам билиш мумкин.

Дастлаб Туркменистон терма жамоаси билан куч синашган ҳаётларимиз 10:1 ҳисобида эъло қалаба



Кеча ўтказилган сўнгги турда қуйидаги натижалар қайд этилди: Тожикистон — Турк­манистон 5:4, Ўзбекистон — Қирғизистон 5:1.

Кенгайтирилган таркиб эълон қилинди

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов 2015 йили Австралида бўладиган Осиё кубоғи саралаш турнири доирасида 15 ноябрь куни Вьетнам ва 19 ноябрда Гонконг терма жамоа­ларига қарши ўтказила­диган уйинлар учун 24 нафар футболчилдан иборат кенгайтирилган таркибни эълон қилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайти орқали хабар тарқатилди. Терма жамоаси ўзининг но­вбатдаги йигинини 10 ноябрь куни Тошкентда бошлайди. Эътиборга мо­лик жиҳати, йигинга илк бор Воҳид Шодиев («Бу­хоро») ҳамда Шаҳзод

Нурматов («Металлург») қа­чирилган.

Легияларимиздан Санжар Турсунов, Баҳо­дир Насимов ва Одил Аҳмедов келгуси ҳафта бошидан жамоа сафига келиб қўшилиса, Сервер Жепаров айни пайтда ўзи тўп сураётган Жанубий Кореядан тўғридан-тўғри Вьетнамга йўл олади.

Демак, таркиб қуйидагича:

Дарвозабонлар: Элдор Суянов («Насаф»), Александр Лобанов («Пахтакор»), Мурод Зухуров («Бунёдкор»). **Ҳимоячилар:** Анзор Исмоилов («Чангчун Ятай», Хитой), Ислом Тўхтаўжаев («Локомотив»), Ислом Иномов («Локомотив»), Виталий Денисов («Локомотив», Россия), Владимир Козак («Пахтакор»), Шавкат Муллажонов («Лионинг», Хитой), Даврон Ҳошимов («Пахтакор»). **Ярим ҳимоячилар:** Азиз Ҳайдаров («Аш-Шабоб», БАА), Фозил Мусаев («Ал-Муваййиз», Қатар), Санжар Турсунов («Газовик», Россия), Жасур Ҳасанов («Бунёдкор»), Одил Аҳмедов («Анжи», Россия), Темур Копалдее («Актобе», Қозғистон), Жамшид Искандаров («Пахтакор»), Сервер Рашидов («Бунёдкор»), Сервер Жепаров («Сенгнам Илья», Жанубий Корея). **Ҳужумчилар:** Баҳодир Насимов («Нефтчи», Озарбайжон), Игорь Сергеев («Пахтакор»), Воҳид Шодиев («Бухоро»), Шаҳзод Нурматов («Металлург»), Иван Нагаев («Локомотив»).

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳозир­гача ўтказилган учта ўйин­да 4 очко жамғариб, «Е» гуруҳида иккинчи ўринда бораётган бўлса,

юз фоизлик натижага эришган БАА терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда.

Ш. СОҚИРЖОНОВ таъйирлади.

Тадбиркор туҳфаси

Бухоро шаҳрининг «Отбозор» қишлоқ фуқаро­лар йиғини худудида тадбиркор Жамшид Жўраев томонидан табиий ҳамда сунъий қопламали иккита спорт майдончаси қурилиб, фойдаланиш­га топширилди.

Умумий қиймати ўттиз миллион сўмлик мазкур мажмуада мини­футбол, баскетбол, волейбол каби оммавий спорт турлари билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Эътиборлиси, тадбиркор саяй-ҳаракати билан бу ерда замонавий новвойхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси, савдо дўқони каби қатор сервис шохобчалари қад рoстляпти.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ХАЛҚ BANKI

Давлат-тижорат Халқ банки

миллий валютадаги қуйидаги мuddатли янги омонат турларини таклиф этади:

«Файзли»

- Сақлаш мuddати — 6 ой ва ундан юқори.
Бадал миқдори — камида 500 минг сўм.
Кўшимча кирим муомалалари амалга оширилади.
Фоиз даромади тўланиши билан бирга, ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра пул ютуқлари тўлаб берилади.

«Ишончли тўлов»

- Сақлаш мuddати — 2 йил.
Бадал миқдори — чекланмаган.
Кўшимча кирим муомалалари амалга оширилади.
Фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра фойдаланилган коммунал тўловлари учун ёки масофадан туриб бошқарилувчи банк хизмати «Уяли Pul» махсус ҳисоб рақамига нақд пулсиз ўтказиб берилади.

«Нафақа»

- Сақлаш мuddати — 3 ой ва ундан юқори.
Бадал миқдори — чекланмаган.
Кўшимча кирим муомалалари амалга оширилади.
Фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра омонат мuddати тугагандан сўнг ми­жознинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

«Капитал»

- Сақлаш мuddати — 1 йил.
Бадал миқдори — чекланмаган.
Кўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди.
Фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра омонатга маблағлар кирим қилинган кун ёки белгиланган мuddатнинг хоҳлаган даврида (аванс шаклида) ми­жознинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

Маълумот учун телефон: (8-800) 200-00-55.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар такриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

